

ИМОМ ХУСАЙН

Имом Хусайн розияллоху анху акаларининг вафотларидан кейин Мадинада истикомат килишни давом этдирдилар. У кишининг обрўлари катта эди. Хамма хурматларини килар эди. Хатто баъзи оталарига қарши ишларда катнашган кишилар узр хам айтар эди.

Имом Тобароний Ражо ибн Робийъадан ривоят қилади:

«Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг масжидларида эдим. Бирдан Хусайн ибн Али розияллоху анху ўтиб колди ва салом берди. Кавм у кишига алиқ олди. Абдуллох ибн Амр розияллоху анху сукут саклади. Ибн Амр кавм жим бўлганидан кейин овозини кўтариб:

«Ва алайкассалому ва рохматуллохи ва баракотуху!» деди-да, олдидагиларга қараб:

«Сизларга ер ахли ичидан осмон ахли учун энг махбуб зот хакида хабар берайми? У манави ўтиб кетган. Аллохга касамки, Сиффийн кечаларидан бери мен унга бир огиз сўзлаганим йўк, у менга бир огиз сўзлагани йўк. Аллохга касамки, унинг мендан рози бўлмоги, мен учун Ухуд тоғи(ча тиллом бўлгани)дан афзал», деди.

Шунда Абу Саъид розияллоху анху унга:

«Ундок бўлса, унинг олдига бормайсанми?!» деди.

«Тўгри айтасан», деди у.

Икковлари боришга ахдлашишди. Мен хам улар билан бирга бордим. Абу Саъид изн сўради. Бас, унга изн берди. Биз ичкарига кирдик. У Ибн Амрга хам изн сўради. Изн бермаганига кўймади. Охири Хусайн унга хам изн берди. У хам кирди. Унинг кирганини кўрганда ўтирган холида Хусайннинг ёнидан жой бўшатди. Хусайн унинг ёнига сурилиб олди. Ибн Амр ўтирмай тик тураверди. Бу холни кўргандан кейин Абу Саъиднинг ёнини бўшатиб унга жой очди. У икковларининг орасига ўтирди. Кейин Абу Саъид бўлиб ўтган гапни айтди. Шунда у:

«Шундокми, эй Ибн Амр? Менинг ер ахли ичида осмон ахли учун энг махбуб эканимни биласанми?» деди.

«Шундок! Каъбанинг Роббисига касамки! Албатта, сен ер ахли ичида осмон ахли учун энг махбуб зотсан!» деди у.

«Сиффийн куни менга ва отамга қарши китол килишга сени нима мажбур қилди?!

Аллохга касамки, отам мендан яхши эди!» деди.

«Тўгри! Лекин Амр менинг устимдан Расулulloх соллalloху алайхи васалламга шикоят қилиб, Абдуллох кундузи рўза тутиб, кечасини бедор ўтказди, деди. Шунда Расулulloх соллalloху алайхи васаллам менга, намоз хам ўки, ухлагин хам, огзинг очик хам юр ва Амрга итоат қил!» дедилар. Сиффийн куни бўлганда у менга касам ичиб туриб олди. Аллохга касамки, мен уларнинг корасини кўпайтирмадим, улар учун қилич чопмадим, найза хам санчмадим ва ўк хам отмадим», деди.

Шунда Хусайн:

«Холикка маъсият бўладиган нарсада махлукка итоат қилиш йўқлигини билмасмидинг?» деди.

«Билардим», деди у.

Кейин у узрни қабул қилгандек бўлди».

Имом Хусайн розияллоху анху дуоси макбул зотлардан эдилар. У кишининг дуолари тўсиксиз қабул бўлганини кўрган зотлар бир қанча ривоятлар қилганлар.

Ибн Саъд рахматуллохи алайх Абу Авндан ривоят қилдилар:

«Хусайн ибн Али розияллоху анху Мадинадан Макка сафарига чикканида Абу

Мутийънинг олдидан ўтди. У кудугини казитган эди. Ибн Мутийъ унга:

«Ушбу кудугимни тозаладим. Бугун вақти бўлди, аммо челакка сувдан бирор нарса чикмаяпти. Аллохга биз учун унда барака бўлишини сўраб, бир дуо килсанг», деди.

«Унинг сувидан олиб кел», деди.

У бир оз сув келтирди. У ундан ичди-да, огзини чайиб туриб, кудукка пуфлади. Кудукдан кўпгина чучук сув чика бошлади».

Олтамишинчи хижрий санада халифа Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху вафот этиб ўрнига ўгли Язидни халифа қилиб қолдирди.

Шом ахли унга байъат қилдилар. Сўнгра Язид Мадинага ўзига байъат олиш учун одам юборди. Имом Хусайн розияллоху анху ва Абдуллох ибн Зубайр унга байъат қилишдан бош тортдилар ва ўша кечаси Мадинаи Мунавварадан чиқиб Маккаи Мукаррама томон йўл олдилар.

Муовия розияллоху анхунинг замонидаёқ Ирок ахли Имом Хусайн розияллоху анхуга мактуб ёзиб, ўзлари томон чорлашар ва халифаликни талаб қилишга ундашар эдилар. Язидга байъат қилинганидан кейин Имом Хусайн розияллоху анхунинг фикрлари бир ерда тўхтамай узок ўйладилар, бир жойларида турмокчи бўлдилар, бир Ирок ахли томон юрмокчи бўлдилар.

Абдуллох ибн Зубайр розияллоху анху у кишини Ирокка боришлари тарафдори бўлса, Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху уларни рад қилдилар.

Абдуллох ибн Умар розияллоху анху: «Сен чик-ма, Аллох таоло Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни дунё ёки охиратни танлаш ихтиёрини кўйганда охиратни ихтиёр қилганлар. Сен у зотнинг бир бўлагисан. Сен дунёга ноил бўлмайсан», дедилар. У кишини кучоклаб, йиглаб хайрлашдилар. Кейинчалик ҳам Ибн Умар розияллоху анху, Хусайн бизга голиб чиққан эди, деб юрар эдилар.

Имом Хусайн розияллоху анху Маккада эканликларини билиб Макка ахли ҳам, умрачилар ҳам у зотнинг зиёратига келар эдилар. Табиийки, бўлаётган ишлардан гап-сўз ҳам бўлар эди. Баъзилар у кишини Язидга қарши чиқишга ҳам ундар эдилар. Ирокдаги шийъалар бошлиқлари Сулаймон ибн Сорд ал-Хузозийникида тўпланишиб, Имом Хусайн розияллоху анхуга мактуб ёзиб, у кишига байъат қилишга ваъда беришдилар. Улар юз эллик саҳифача мактуб ёздилар.

Имом Хусайн розияллоху анху уларнинг мактубини олгач, қуйидаги мактубни ёздилар: «Аммо баъду; Сизлар қасд қилган нарсани фахм-ладим. Мен сизларга ўз иним, амакиваччам ва ахли байтим ичида ишончли одамим бўлмиш Муслим ибн Акийлни юбордим. Мен унга сизнинг ишингиз, фикрингиз ва холингиз хақида менга мактуб ёзишини амр қилдим. Агар сизнинг кўпчилигингизнинг, аклларингизнинг фикри менга юборган элчиларингиз келтирган нарсага жамланган бўлса, иншааллох тезда олдингизга бораман. Умрим ила қасамки, имом факатгина Китобга амал қилувчи, адолат ила турувчи, ҳақ динни диёнат тутувчи, холос. Вассалом».

Сўнгра Имом Хусайн розияллоху анху Муслим ибн Акийлни чақириб, Куфа томон юбордилар. Ўша пайтда Куфанинг амири Нуъмон ибн Башир Ансорий эди. Шийъалари унинг олдига келиб ўз гапларини гапира бошладилар. Бундан хабардор бўлганидан кейин Нуъмон минбарга чиқиб хутба қилди:

«Аммо баъду; Фитнага ва тафрикага шошилманглар. Чунки бу икки нарса одамларнинг ҳалок бўлишига, қонларнинг тўқилишига ва молларнинг таланишига сабаб бўлади», деди.

Нуъмон ибн Башир халим, обид ва тинчликни яхши кўрадиган одам эди. У яна

куйидагиларни айтди:

«Мен факат ўзимга карши уруш килганлар билан уруш киламан, холос. Мен сизнинг уйкудагингизни уйготмайман, сизларга тегажклик килмайман, гумон ва тухмат билан олмайман. Аммо ваъдангизда турмасангиз, байъатингизни бузсангиз ва имомингизга хилоф килсангиз, Аллохга касамки, агар сиздан менга бирорта ёрдам берувчи бўлмаса хам, ўзим хаммангизни чопаман. Сизларнинг ичингизда хакни билувчилар ботилга юрувчилардан кўп бўлса керак деган, умиддаман», деди.

Шунда Бани Умайянинг тарафдори бўлган бир одам ўрнидан туриб:

«Сен айтган нарса билан иш битмайди. Бу заифхольнинг гапи!» деди.

«Аллохнинг тоатида заифхоль бўлганим мен учун Аллохнинг маъсиятида азиз бўлганимдан кўра яхшироқ», деди.

Халиги одам Язидга хат ёзиб, Муслим ибн Акийлни келгани, одамлар унга байъат килганини билдирди. Ва «Агар Куфа сеники бўлишини истасанг, унга бир кучли кишини юбор. У сенинг амрингни ўтказсин ва душманларингга карши сен килган ишни килсин. Нуъмон заиф ёки ўзини заифликка соладиган одам», деб ёзди.

Язид Нуъмонни бўшатиб, ўрнига Басра амири Убайдуллох ибн Зиёдни юборди. Уни икки вилоятга волий килди ва Муслим ибн Акийлни тутиб ўлдиришни ёки сургун килишни буюрди.

Ибн Зиёд Куфага келиб, одамларга куйидаги хутбани килди:

«Аммо баъду; Албатта, мўминларнинг амири мени сизнинг шахрингизга, чегарангизга ва ўлжангизга волий килди. У киши мени мазлумингизга инсоф килишга, махрумнингизга ато беришга, кулок осиб итоат киладиганингизга яхшилик килишга, ишончсиз ва осий бўлганларингизга шиддатли бўлишга амр килди. Мен сиз хакингизда у кишининг амрига итоат киламан, ахдини жорий киламан. Мен сизнинг яшингизга отадек бўламан. Мен сизнинг итоаткорингизга тугишган акадек бўламан. Ким амримни тарк килса ва ахдимга хилоф килса, киличим ва камчим ўшанинг бошида ўйнайди. Хар бир одам ўзини билсин», деди.

Сўнгра у бошликларни ва одамларни каттик тутди. Уларга: «Менга гариблар хакида, ичингиздаги мўминларнинг амирига каршилар, хаворижлар ва хилофу таффрикани истайдиган шубхачилар хакида ёзиб беринглар. Ким ёзиб берса, жавобгарликдан холий бўлади. Ким ёзиб бермаса, ўз карамогидогиларни ўзи тийиб олсин. Улардан бирор киши бизга хилоф килмасин, бирортаси карши чикмасин. Ким буни килмаса, бизнинг зиммамизда эмас, унинг кони ва моли халол. Кайси бошликнинг одамлари ичида мўминларнинг амирига карши одам бўла туриб бизга билдирмаса, ўз ховлисининг дарвозасига осилади, унинг минтакаси атодан махрум бўлади», деди.

Муслим ибн Акийл Ибн Зиёднинг бу гапларини эшитди ва Хонеъ ибн Урва ал-Муродийнинг химоясини сўради. У уни ўз химоясига олди. Шиъъалар унинг олдига бориб турдилар.

Ибн Зиёдга бунинг хабари етганда Хонеъ ибн Урва ал-Муродийни чакириб:

«Эй Хонеъ, ховлингга мўминларнинг амирига карши нима ишлар бўлаётир?! Муслимни олиб келиб ховлингга киритибсан. Унга силох ва сипох жамлаб берибсан. Булар махфий қолади деб ўйлабсан?!» деди.

Хонеъ инкор кила олмади. Ибн Зиёд ундан Муслимни топширишни талаб килди. У ор-номусдан кўркиб, бош тортди. Ибн Зиёд уни калтаклатиб, камаб кўйди.

Бу хабар Муслим ибн Акийлга етиб борганда ўзлари келишиб олган шиор «Ё Мансур!»ни айтиб нидо килди. Унга ўн саккиз минг киши байъат килган бўлиб, улардан тўрт минги

ховли атрофида турган эдилар. Нидодан кейин кўп одам тўпланди. Муслим уларни курашга тайёрлади ва каср томон юриш бошлади. Улар келиб, касрни ўраб олдилар. Масжид, бозор ва атроф одамларга тўлиб кетди.

Ибн Зиёд билан ўттизта миршаб, йигирмата кўрикчи, ахли байти ва хизматчилари бор эди, холос. Одамларнинг обрўлилари унинг олдига кела бошладилар. У Касир ибн Шихоб ал-Хорисийни чакириб ўзига итоат киладиганларни тўплаб, Муслимнинг одамларини кўрkitиб, ундан айнитишни топширди. Сўнгра у Мухаммад ибн Ашъасга ўз кабиладошларини олиб чикиб, омонлик байроги тикиб, ким ўшани остига келса, омон қолишини билдирди. Бошка ашрофларга ҳам худди шундок қилишни амр килди. Ибн Зиёд баъзи ашрофларни ўзи билан бирга туришларини талаб килди. Шундок қилиб, одамларни ташвикот қилиш бошланди.

Бу тадбирлардан кейин одамлар аста-секин тар-кала бошладилар. Муслим ибн Акийл билан масжид ичида ўттиз киши қолди, холос. Сўнгра у беркиниб олди. Ибн Зиёд унинг беркинган жо-йини аниқлаб, Мухаммад ибн Ашъасга уни тутиб қелишни буюрди. У амрни бажарди. Йўлда келаётиб Муслим Мухаммад ибн Ашъасга:

«Менга омонлик беришдан ожизлигингни билиб турибман. Хусайнга одам юбориб, менинг холимдан хабар беришга, унинг ахли байти ила кайтаришга, Куфа ахлининг гапларига учмасликка, улар отасига хиёнат қилган одамлар эканини айтишга имконинг борми?» деди.

Мухаммад ибн Ашъас унинг айтганларини килди.

Муслим келтирилганида, Ибн Зиёд уни қатл қилди. Кейин Хонеъ ибн Урва ал-Муродийни ҳам қатл қилди.

Имом Хусайн розияллоху анху Куфа томон юрмокчи бўлиб турганларида хузурларига Амр ибн Абдурроҳман ибн Хорис ибн Хишом келиб:

«Менга Ирокка бормокчи эканинг хақида хабар етди. Мени сенинг амирлари, омиллари ва байти моллари бор юртга боришинг хавфга солади. Одамлар дирхам ва динарнинг бандаларидир. Мен сенга ёрдамни ваъда қилганлар, сенга қарши қитол қилиб қолишларидан кўркаман», деди.

Имом Хусайн розияллоху анху унга яхши муомала қилиб қайтардилар.

Сўнгра Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху келиб:

«Одамларни Ирокка бормокчи эканинг дахшатга солмокда, айт-чи, нима қилмокчисан ўзи?!» деди.

«Ушбу икки кун ичида юришга азму қарор қилдим», дедилар Имом Хусайн розияллоху анху.

«Ундок қилишдан сени Аллохнинг Ўзи асрасин! Аллох раҳмингни егур, сен менга айт-чи, сен амирларини ўлдириб, юртларини бошини тутиб, душманларини хайдаган қавмнинг олдига бормок-чимисан! Мен улар сени алдашларидан, ёл-гончи қилишларидан, сенга хилоф қилишларидан, сени ташлаб қочишларидан, сенга қарши чиқишларидан ва ашаддий душман бўлишларидан кўркаман», деди Абдуллох ибн Аббос.

Имом Хусайн розияллоху анху бу гапга жавобан:

«Мен Аллохга истихора қиламан. Кейин нима бўлишига назар соламан», дедилар.

Эртасига Абдуллох ибн Аббос яна қайтиб келиб:

«Эй амакиваччам! Шунча сабр қилай деб уринсам ҳам сабр қила олмаяпман. Шу йўналишда кетаверсанг халок бўлиб, томиринг қуришидан кўрқмокдаман. Ахир Ирок ахли хиёнаткор қавм. Уларга зинхор яқинлашма! Ушбу юртда туравер. Ахир сен Хижоз ахлининг саййидисан. Агар Ирок ахли ўзлари даъво қилаётганларидек сени

хохлайдиган бўлсалар, уларга хат ёз, омиларини ва душманларини кувсинлар. Кейин сен уларнинг олдига бор. Жуда чикмасанг бўлмайдиган бўлса, Яманга бор. Унда кўргонлар, даралар бор. Унинг ери кенг. У ерда отангнинг шийъалари бор. Ўзинг одамлардан четроқда бўласан. Одамларга хат ёзиб юборасан, таргиботчиларингни таркатасан. Ана шунда менимча, сенга ўзинг офиятда бўлган холингга сен яхши кўрган нарса келади», деди.

Имом Хусайн розияллоху анху у кишининг бу гапларини кабул килмадилар.

Шунда Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху:

«Агар борадиган бўлсанг, аёлларингни ва кичик болаларингни олиб борма, мен сенинг хам Усмон катл килинганидек аёлларинг ва болаларинг кўз ўнгида катл килинишингдан кўркаман», деди.

У кишининг бу гаплари хам фойда бермади. Имом Хусайн розияллоху анху аёллари ва бола-чакалари билан йўлга тушдилар. Йўлда у кишига машхур шоир Фараздак дуч келди. Имом Хусайн розияллоху анху унга:

«Одамларнинг хабари кандок?» дедилар.

«Одамларнинг калблари сен билан, киличлари Бани Умайя билан. Казо осмондан нозил бўлур. Аллох хохлаганини килур», деди Фараздак.

Сўнгра Имом Хусайн розияллоху анхуга Абдуллох ибн Жаъфар розияллоху анхудан мактуб келди. Унда у киши Аллох номи билан касам ичиб, зинхор кетмасликни сўраган эдилар. У кишининг мактуби ила Мадинанинг амири Амр ибн Саъиднинг омонлик хати хам бўлиб, кайтишни сўраган эди. Имом Хусайн розияллоху анху йўлларида давом этавердилар.

Йўлда у кишига Абдуллох ибн Мутийъ дуч келди. У Имом Хусайн розияллоху анхунинг каёкка кетаётганларини билгандан сўнг:

«Аллохнинг номи ила эслатаман, эй Расулуллохнинг кизининг ўгли, Ислом хурмати ўтиниб сўрайман, араблар хурмати, Аллохнинг номи ила ўтиниб сўрайман, ундок килма! Аллохга касамки, агар Бани Умайянинг кўлидаги нарсани талаб киладиган бўлсанг, улар, албатта, сени ўлдирадилар. Сендан кейин эса, хеч кимдан тап тортмай кўядилар. Аллохга касамки, Ислом хурмати, Курайш хурмати, араб хурмати бундок килма! Ўзинг–ни Бани Умайяга тутма!» деди.

Имом Хусайн розияллоху анху бу гапларга хам эътибор бермай йўлда давом этдилар. У киши ўз одамлари билан Саълабийя деган жойга етганларида Муслим ибн Акийлнинг катл килингани хабари келди. Баъзи кишилари:

«Аллох номи ила илтимос киламиз, шу ердан кайт!» дедилар.

Аммо Муслимнинг якинлари бунга карши чикиб:

«Аллохга касамки, ўчимизни олмагунча кўймаймиз. Ёки Муслим татиган нарсани биз хам татиймиз!» дедилар.

Имом Хусайн розияллоху анху одамлари билан юриб бориб, Ботни Акаба номли ерга тушдилар. Ўша ерда у кишига араблардан бир киши учраб:

«Аллохнинг номи ила илтимос киламан, ортингга кайт! Аллохга касамки, факатгина найзалар учига ва киличлар тигига караб кетмокдасан! Анави сени чакирганлар сени жангга керакли нарсалар билан таъминлаганларида ва хамма нарсани тайёрлаб кўйганларида борсанг, бўлар эди. Аммо хозир сен васф килган холатда зинхор бориб бўлмайдди! Ортингга кайт!» деди.

У кетгандан кейин Хар ибн Язийд ат-Тамимий бошлик минг отлик келди. Имом Хусайн розияллоху анху уларга:

«Эй одамлар, Аллохга ҳам, сизга ҳам узр! Мен сизлардан кўплаб мактублар олганим, элчилар кўрганим учун улар, бизнинг олдимизга кел, бизнинг имомимиз йўқ, шояд, Аллох сен ила бизни хидоятга бошласа, деганлари учун келдим. Агар сизлар менга кўнглимни тўлдирадиган ваъда берсангиз, шахрингизга бораман, бўлмаса, келган еримга кайтиб кетаман», дедилар.

Улар индашмади. Бир оздан кейин ал-Хар:

«Бизга сенга йўликсак, Куфага–Убайдуллох ибн Зиёднинг олдига олиб боргунимизча сизлардан ажрамаслик амр килинган», деди.

Имом Хусайн розияллоху анху унга:

«Бундан кўра ўлганинг яхшимасми!» дедилар.

Сўнгра у киши ўз одамларига отланиб ортга кайтишга амр килдилар. Ал-Хар уларнинг йўлини тўсди. Шунда Имом Хусайн розияллоху анху унга:

«Онанг кўкингни кийгур, нимани истайсан!?» дедилар.

«Аллохга касамки, сендан бошка араб бу гапни айтганда, ким бўлишидан катъи назар, онасини зикр килмай кўймас эдим. Аллохга касамки, сенинг онангни яхшиликдан бошка билан зикр кила олмайман», деди ва у кишини Мадинага кайтиб кетмасликлари учун ҳамма чораларни кўрди.

Имом Хусайн розияллоху анху шимол томон юриб Найнавога бордилар. Ўша ерда уларга карши Ибн Зиёд юборган аскар етиб келди. Ўша аскарнинг бошлиги Умар ибн Саъд одам юбориб:

«Нима учун келдинг?» деб сўради.

«Юртингизнинг одамлари мактуб ёзиб келишимни сўрашди. Агар мени ёқтирмасалар, кайтиб кетаман», дедилар.

Умар бу ҳақда Ибн Зиёдга хат юборди. Шеърий услуб ила ёзилган хатда, чангалимизга тушганда нажот топмокчи, энди иложи бормикан, деган маъно бор эди. Ибн Зиёд, Хусайнга Язидга байъат қилишни таклиф қил. Агар қабул қилса ўйлаб кўрамиз, ундан ва одамларидан сувни тўсиб кўй, деган амрни килди.

Имом Хусайн розияллоху анху: «Менга имкон беринглар, келган жойимга кайтиб кетаман», дедилар. Улар: «Ибн Зиёднинг ҳукмига туш», дедилар. У киши бу гапни қабул қилишлари мумкин эмас эди. Урушдан бошка илож қолмади.

Имом Хусайн розияллоху анхунинг одамлари ичидаги эркаклар саксон кишидан ортмас эди. Жанг бошланди. Кўп ўтмай Имом Хусайн розияллоху анху ва у кишининг барча эркак яқинлари қатл қилиндилар. Ирокликлардан саксон саккиз киши ўлди. Бу нобакорлик Карбалода бўлди.

Имом Хусайн розияллоху анхуни Синан ибн Авс ибн Амр ан-Нахаъий найза санчиб ўлдирган эди. У от устида туриб, одамларидан Хавлий деганига, унинг қалласини уз, деди. Хавлий Имом Хусайн розияллоху анхунинг қаллаларни таналаридан узмокчи бўлиб ҳаракат қилган эди, холсиз бўлиб қила олмади. Синан ўзи отдан тушиб қаллани танадан узди. Бу мислсиз жиноят олтмиш биринчи хижрий сана, жума куни бўлди. Ўша куни Ошуро кунига тўғри келган эди.

Жиноятчилар гуруҳи қолган шахидларнинг ҳам қаллаларини таналаридан кесиб олдилар. Сўнгра қаллаларни кўтариб, қизлар ва аёлларни хайдаб Убайдуллох ибн Зиёднинг олдига шошилишди. Мусибат ўтида ёнаётган қиз-аёллар Имом Хусайн розияллоху анхунинг тирик қолган ягона ўғли Али ибн Хусайнни кўтариб, фиғонлари дунёни тўлдириб боришар эдилар.

Нобакорлар ўз хўжайинларига яхши кўриниш мақсадида етмиш икки дона бошни бўлиб

олиб кўтариб боришар эди.

1. Имом Хусайн розияллоху анхунинг бошларини Хувлий ибн Язид олиб борарди.

2. Киндаликларга ўн учта бош теккан эди.

3. Хавозонликлар йигирмата бошни олиб боришарди.

4. Бану Тамимлар ҳам йигирмата бошга эга бўлганди.

5. Бану Асад еттита бошни олишганди.

6. Мазхажликлар ўн битта бошни олишган эди.

Уларнинг раҳбарлари Шаммар ибн Зилжўвшан, Кайм ибн Ашъас, Амр ибн Хажжаж ва Урва ибн Кайс эди. Улар ана шундок холда ўз бошликлари Убайдуллох ибн Зиёднинг олдига кириб боришди.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Ибн Зиёднинг олдида эдим. Шунда Хусайннинг боши келтирилди. Бас, у кўлидаги чўп билан унинг бурнига ишора қилиб:

«Бунга ўхшаган чиройлини кўрмаганман», деди.

«Бу уларнинг ичида Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга энг ўхшагани эди», дедим».

Термизий ва Бухорий ривоят қилишган.

Шарх: Ўша ерда бошка бир сахобий Зайд ибн Аркам розияллоху анху ҳам бор эдилар. У киши конхўр Убайдуллох ибн Зиёдга:

«Кўтар чўпингни! Мен Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бунинг ўша сенинг чўпинг тегиб турган жойидан ўпганларини кўрганман!» деб бақирдилар. Сўнгра улуг сахобий бор овозлари билан хўнграб йиглаб юбордилар.

Ибн Зиёд у кишига:

«Икки кўзингни Аллох йигига тўлдирсин! Агар мункайиб акли кетиб қолган чол бўлмаганинга бўйнингдан чопар эдим», деди.

Зайд ибн Аркам розияллоху анху кетганларидан кейин одамлар ичида шивир-шивир гап бошланди. Улар:

«Аллохга касамки, Зайд ибн Аркам розияллоху анху бир гап айтдики, Ибн Зиёд эшитганда уни ўлдирар эди», дейишди.

«Нима деди?» деб сўради бирови.

«Эй араблар, сизлар бугундан бошлаб кулсизлар! Фотиманинг ўглини ўлдирдингиз! Маржонанинг ўглини ўзингизга амир қилдингиз! У бўлса, сизнинг яхшингизни ўлдириб, ёмонингизни кул қилмоқда. Йўқолсин хорликка ва орга рози бўлганлар!» деди», дейишди.

Хар бир золим жазосини тортмай қолмайди. Кўп ўтмасдан золим ва фосик Убайдуллох ибн Зиёд ҳам қилмишига яраша жазосини тортди. Олтмиш олтинчи хижрий сана зулхижжа ойида Мухтор ас-Сакафийнинг амрига биноан Иброҳим исмли аскарбоши Ибн Зиёд ва унинг одамларини Жозир деган жойда ўлдириб, қалаларини узиб ўз бошлигининг олдига табоққа солиб олиб борди. Уларнинг бошлари Мухтор ас-Сакафийнинг олдига ташланди. Шунда бир кичик илон келиб, Ибн Зиёднинг оғзига кирди. Бир оз ўтиб илон унинг бурнидан чиқди. Кейин бурнидан кириб оғзидан чиқди. Ўша илон мазкур ҳаракатини тўхтамай давом этдирди. Сўнгра жиноятчиларнинг бошларини Маккага Ибн Зубайр розияллоху анхуга юборилди. Уларни ўша ерда кўчага осиб қўйилди. Ибн Зиёд ва унинг шерикларининг жуссаларини эса, ал-Аштар қуйдириб ташлади.

Шуниндек, Имом Хусайн розиялоху анхунинг катлларида hozир бўлганларнинг барчалари ҳам бу дунёдан хору зор бўлиб ўтганлар. Хатто уларнинг зурриётлари ҳам доимий равишда хорликда ўтганини тасдиқловчи ривоятлар тарих китобларимизда кўп. Имом Хусайн розияллоху анхунинг ва у зотнинг якинларининг вахшиёна ўлдирилишлари бутун Ислом оламини дахшатга солди. Бани Умайяликлардан нафрат килиш, ирокликларни сўкиш оддий бир холга айланиб колди. Хатто рахбарлар ўзларини оклаш учун гумашталарини жазолашга ҳам ўтдилар. Муслмон оламининг Имом Хусайн розияллоху анхуга нисбатан бўлган чексиз муҳаббати уларни хавф-хатар остида колдирган эди.

Бу улкан жиноят содир бўлганда дунё муслмонларнинг кўзига бошкача кўришиб колди. Бу ҳақда хар хил ривоятлар жуда ҳам кўп. Айникса, Имом Хусайн розияллоху анхунинг ўлдирилишлари тафсилоти кишининг юрагини кон килмай кўймайди.

Эхтимол, шунинг учундир, буюк аллома Жалолиддин Суютий «Тарихи Хулафо» номли китобларида:

«Унинг (Имом Хусайн розияллоху анхунинг) катл этилиши узокдир. Уни зикр килишни калб кўтара олмайди», деб ёзганлар.

Камина ходимингизнинг калби ҳам бу мусибатни кўтара олмади. Ислом оламининг бу улкан мусибатини иложи борича юмшатиб ёзишга уринди. Шу билан бирга, хазрати Усмон розияллоху анхуга карши фитнадан бошлаб, ушбу фожиани ёзиб бўлгунича соч-соколидаги окларни сезиларли кўпайганини мулохаза килди.

Машхур тарихчиларимиздан бирлари таъкидлаганларидек, бу мусибатларга Ислом умматидан бошка уммат дуч келганида титилиб кетган бўлар эди. Аммо Аллох таолонинг инояти бу умматни саклаб колди.

Имом Хусайн розияллоху анхунинг шахидликлари муносабати ила табиат мухитида ҳам одатдан ташқари холатлар вужудга келгани хакида ривоятлар кўп. Биз саҳих ривоятлардан келган бир тушни ўрганамиз, холос.

Салмаа розияллоху анходан ривоят килинади:

«Умму Саламининг олдига кирсам, йиглаб ўтирган экан. Мен унга:

«Сизни нима йиглатмокда?» дедим.

«Тушимда Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни кўрибман. У зотнинг бошлари ва соколларида тупрок. Сизга нима бўлди, эй Аллохнинг Расули, десам, hozиргина Хусайннинг катл этилганини кўрдим, дедилар», деди».

Термизий ривоят килган.

Шарх: Ха, инсоният тарихидаги улкан жиноят– суюкли набиралари Имом Хусайн розияллоху анхунинг вахшиёна катл килинишлари Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг ҳам тинчларини бузган эди.

Муслмон умматининг Имом Хусайн розияллоху анхунинг котилларига бўлган нафрати чексиздир. Ўша вақтнинг ўзидаёк жумхури уммат ирокликларни кўргани кўзи йўк жамоатга айланган эди.

Ирок ахлидан бир киши Абдуллох ибн Умардан эҳромдаги одам пашшани ўлдириши хакида сўради. Шунда Ибн Умар:

«Ирок ахли пашшани ўлдириш хакида сўрайдиларми!? Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг кизларининг ўглини ўлдиришиб бўлиб-а?! Набий соллаллоху алайхи васаллам, икковлари менинг дунёдаги райхонларим, деган эдилар!» деди »

Бухорий ва Термизий ривоят килишган.

Термизийнинг лафзида:

«Ирок ахлидан бир киши Ибн Умардан ки-йимга теккан чивиннинг кони хакида сўради.

Шунда Ибн Умар:

«Манавуни каранглар!!! Набий соллаллоху алайхи васалламнинг ўгилларини ўлдириб кўйишиб, чивиннинг кони хакида сўраб юрибди! Мен у зотнинг:

«Хасан ва Хусайн икковлари дунёдаги рай-хонларим», деганларини эшитганман», дедилар», дейилган.

Шарх: Салтанат учун интилиш, банданинг розилигини Аллохнинг розилигидан устун билиш каби иллатларга дучор бўлган нобакорлар Имом Хусайн розияллоху анхудек зотни катл килишга кўл урган эдилар. Бу ишлари ўзларига икки дунёда тавкилаънат бўлиб қолишини хаёлларига келтирмаган эдилар. Айни вақтда ўша нобакорлар бу номардликлари Имом Хусайн розияллоху анху учун икки дунёда шараф бўлиб қолишини ҳам ўйламаган эдилар.

Ха, хар бир ўлдирувчи голиб эмас. Хар бир ўлувчи мағлуб эмас. Балки кўпгина золим ўлдирувчилар борки, уларнинг котиллиги мағлублигидир. Шунингдек, кўпгина ўлдирилганлар борки, уларнинг мактуллиги мансурлигидир. Улар ўзларининг ўлими ила кўплаб золимларни икки дунёда мағлубу малъун бўлишига сабаб бўладилар. Имом Хусайн розияллоху анху ана шундок мактул мансурларнинг имоми хамдирлар. Аллох таоло у зотдан Ўзи рози бўлсин!

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф